

## Characteristics of Food Provision of the Population

**Hasanov Shamsiddin Khafizovich**

**Аннотация.** Мақола аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда озиқ-овқат экинлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ва ўстирилаётган навлар турларининг кўламини кенгайтириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш-нинг долзарб масалаларига бағишланган.

**Калит сўзлар:** Озиқ-овқат хавфсизлиги, хусусий кластер ва кооперациялар, импортга боғлиқлик, импорт бозорларини диверсификациялаш.



**Кириш.** Ер юзида иқлим ўзгаришининг натижасида юз бераётган табиий офатлар, ерларни суғориш учун сув танқислиги, қурғоқчилик каби вазиятлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштирмоқда. айниқса 2020 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган коронавирус пандемияси муаммонинг янада муракаблаштирмоқда. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиб бормоқда. коронавирус инфек-цияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар шароитида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз ва барқарор нархларда таъминлаш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда, мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарларига ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутди. бу борада Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганларидек “қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўрта-ча 10 фоизга ошириш имконини яратди. мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди”<sup>1</sup>

Озиқ-овқат хавфсизлиги республикамиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таъминланишини, импортга боғлиқликни минимум даражасига эришишни ифодалайди. ўзбекистон мустақилликка эришгани-дан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

Қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янгиларини ажратиб бериш;  
қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

давлатнинг озиқ-овқатга оид сиёсати картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўз-ўзини таъминлашни кўзда тутди. аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлган базани барпо этиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтириляётган маҳсулот-лар ҳажмларини қисқартириб бориш кабилар ҳам озиқ-овқат хавфсизли-гини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бу иқтисодиётнинг шундай ҳолати бўлиб, бунда жаҳон бозорлари тебранишларидан қатъий назар бир томондан, илмий асосланган кўрсаткичларга мос миқдорларда, иккинчи томондан тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни қондириш учун шарт-шароит яратилган ҳолда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор

<sup>1</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// 29.12.2020 й.

таъминлаш кафолатланади.<sup>2</sup>

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг асосий мақсади ички ва ташқи салбий таъсирга боғлиқ бўлмаган ҳолда қайта ишловчи корхоналар-ни хомашё, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. у ҳатто валютанинг етишмаслиги, четдан маҳсулотларни олиб киришда бошқа мамлакатлар томонидан тўсиқлар қўйилиши, нархларнинг ўсишига боғлиқ бўлмаган бўлиши керак.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг муҳим шартлари қуйида-гилар:

- ҳар бир инсон учун озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши (етарли миқдорда унинг тақлифи);
- аҳоли барча итимоий тоифалари, шу жумладан кам таъминланган аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг иқтисодий жиҳатдан имконияти (истеъмолчилик талабининг тўлов қобилияти);
- меъёрда овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол қилишнинг етарли миқдорда бўлиши.<sup>3</sup>


Республикамиз аҳолисининг кўпайиб бораётгани, урбанизация жараёнларининг кучайиб бориши, қишлоқ хўжалиги экини майдонлари-нинг қисқариб бориши озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондириш имкониятларини кенгайтириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Статистик маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони 2016 йилда 3706,7 минг гектар-ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, 3373,1 минг гектарни ташкил этган. Ўтган давр ичида қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдон 333.6 минг гектарга камайган.<sup>4</sup> Шунга қарамасдан 2016 йилда 115599,2 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилган бўлса, 2020 йилда 249754,5 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирилган.

Мустақиллик йилларида республика аграр тармоғида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги қатор давлат дастурлари, концепция ва чора-тадбирлар мажмуининг ҳаётга тадбиқ этилиши, иқтисодиётнинг аграр секторида таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш, шунингдек, ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг барқарор ўсиб бориши таъминланмоқда (1-расм)

<sup>2</sup> [www.icarda.org](http://www.icarda.org) - Курғокчилик ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тадқиотлари бўйча халқаро маркази (ICARDA)нинг расмий сайти

<sup>3</sup> Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмаҳонаси нашриёти, 2016. – 257 б.

<sup>4</sup><https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/7658-2021-yil>



**1-расм. Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши динамикаси.<sup>5</sup>**

Кўриниб турибдики, коронавирус пандемиясига қарамасдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг барқарор ўсиб бориши таъминлан-моқда. Гарчи 2017 йил 2016 йилга нисбатан деhqончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 98,2 фоизни, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 95,8 фоизни ташкил этган бўлсада, 2019 йилда ўтган йилга нисбатан 104,8 фоизни ташкил этган. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 102.8 фоизга, жумладан деhqончи-лик 103.4 фоизга ва чорвачилик 102.1 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари умумий ҳажмининг 68,0 фоизи – деhqон (шахсий ёрдамчи) хўжалик-ларига, 27,8 фоизи – фермер хўжаликларига, 4,2 фоизи – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсат-моқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқо-ри кўрсаткичлар барча ҳудудларда деhqон (шахсий ёрдамчи) хўжалик-ларига тўғри келиши кузатилди.

Республикада келгусида озиқ-овқат экинлари етиштириш ҳажмлари-ни кўпайтириш ва ўстирилаётган навлар турларининг кўламини кенгайти-риш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш бўйича тизимли чораларнинг амалга оширилиши туфайли, 2020- йилнинг январь - декабрида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 566,6 минг т. дон экинлари (2019- йилнинг январь - декабрига нисбатан 1,7 % га кўп), 3 143,5 минг т. картошка (1,7 % га кўп), 10 459,5 минг т. сабзавотлар (2,4 % га кўп), 2 134,4 минг т. полиз экинлари (3,2 % га кўп), 2 864,0 минг т. мева ва резаворлар (4,0 % га кўп), 1 639,2 минг т. узум (2,2 % га кўп) етиштирилди.<sup>6</sup>

Фикримизча, ўзбекистон республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизми қуйидаги муҳим жиҳатларни ўз ичига олиши лозим:

<sup>5</sup> <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/agriculture-2> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>6</sup> <https://stat.uz/uz/default/press-revizlar/7658-2021-yil>

- Ўзбекистонда озиқ-овқат нархлари барқарорлигини таъминлаш борасида ягона давлат стратегияси ишлаб чиқиш;
- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қонуний, ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириб бориш;
- агросаноат мажмуасида озиқ-овқат ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва рағбатлантириш;
- хориждан олиб келинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг импорт бозорларини диверсификация қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари импортида концентрациялашув даражасини пасайтириш ва транспорт харажатларини камайтириш.

Ўзбекистон республикасида қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини барқарор ривожланишини таъминлаш, юксак ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.// 29.12.2020 й.
2. Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А.Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”. Ўқув кўланма. Т.: “ЎЗР Фанлар Академияси асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. – 257 б.
3. [www.icarda.org](http://www.icarda.org) - қўғокчилик ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тадқиотлари бўйча халқаро маркази (icarda)нинг расмий сайти